International Journal of Education, Social Science & Humanities.
Finland Academic Research Science Publishers
ISSN: 2945-4492 (online) | (SJIF) = 8.09 Impact factor
Volume-12| Issue-5| 2024 Published: |22-05-2024|

XIX АСР ОХИРИ –XX АСР БОШЛАРИДА ИШ ЮРИТИШ ҲУЖЖАТЛАРИДА АҲОЛИ КУНДАЛИК ТУРМУШ ТАРЗИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭТНОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

https://doi.org/10.5281/zenodo.11207892

А.С.Шосаидов
Мустақил изланувчи, Тошкент давлат шарқшунослик университети
Електрон почта манзили: анвар.шосаидов1988@гмаил.ком

Кириш

Ўзбекистон тарихида юз берган сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий воқеа ва ҳодисалар бугунги кунда архив ҳужжатларида келтирилган маълумотларда сақланиб келинмоқда. Шу билан бирга, мазкур ҳужжатларнинг ўзи маълум даврда юридик кучга эга бўлганлиги улар асосида ўша давр ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг иш юритиш амалиётини ўрганиш имкониятини беради. Шу сабабли XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистон ҳудудида ҳужжат юритиш амалиётини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Миллий архивида бу даврда Туркистонда фаолият юритган ташкилотларнинг минглаб эски араб алифбоси эски ўзбек ёзуви, форс, араб ва рус тилларида ёзилган ҳужжатлари мавжуд. Ушбу ҳужжатлар мазкур давр ҳужжатшунослиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этишда муҳим манба сифатида хизмат қилади. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда ҳужжатлар тузилиши, уларнинг турлари, тили ҳамда ҳужжат айланиш тизимида сезиларли ўзгаришлар юзага келган. Бундан ташқари, айнан шу даврга оид иш юритиш ҳужжатлари замонавий иш юритиш асосларини таҳлил этишда амалий ёрдам беради.

Ҳозирги кунда кўпгина тадқиқотчилар ўзлари танлаган мавзуларни тадқиқ қилиш учун архивларда сақланаётган ҳамда маълум даврда иш юритиш жараёнида қўлланилган ҳужжатлардан манба сифатида фойдаланиб келмоқдалар. Одатда, тадқиқотчилар мазкур ҳужжатларда келтирилган фактларга қизиқадилар ва улардан фойдаланадилар. Бироқ бирор-бир даврга тегишли маълум масалада изланиш олиб бориш учун фақатгина ҳужжатда келтирилган маълумотлардан фойдаланишнинг ўзи етарли эмас. Чунки ҳужжатлардан бу каби фойдаланиш бир ёқлама фикр юритишга олиб келиши мумкин. Манбашуносликда ҳужжатларнинг тузилиши, структураси,

тили, улар кимга, ким томонидан ва нима мақсадда ёзилганлигини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Ушбу масалаларни ўрганиш бир томондан маълум даврда амалда бўлган ҳужжат юритиш амалиёти бўйича маълумотлар берса, иккинчи томондан мазкур ҳужжатлардан манба сифатида фойдаланаётган тадқиқотчиларга ҳужжат тузилиши тўғрисида тасаввур бериши мумкин. Бу эса ахборотни ҳужжатлаштиришнинг тарихий шакллари ҳамда ҳужжат юритиш эволюциясини тушунишга олиб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Туркистон ўлкасидаги иш юритиш жараёнида қўлланилган ҳар бир турдаги ҳужжатларни ўрганиш орқали туб аҳоли турмуш тарзига оид кўплаб маълумотларга эга бўламиз.

Асосий қисм

Иш юритиш ҳужжатлари сарой девонхонасининг турли мазмундаги ҳужжатлар мажмуаси бўлиб, тарихий манбаларнинг асосий турларидан бири ҳисобланади. Иш юритиш ҳужжатларининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, девонхона ҳужжатлари, олди-сотди ҳужжатлари, солиқ дафтарлари, арздодлар ва вақф мулкларини назорат қилиш ҳисоботлари[1].

Шулардан солиқ дафтарларида учрайдиган этнографик маълумотлар таҳлилига тўхталсак. Ўзбекистон Республикаси Миллий Архиви “Хива хонлари девонхона ҳужжатлари” фондидан ўрин олган ҳужжатлар, солиқ дафтарларида хонлик аҳолисининг қанча солиқ тўлаганликлари билан бир қаторда уларнинг қандай машғулот билан шуғулланишига оид маълумотларни учратиш мумкин. Солиқ тўловчилар билан бир қаторда ҳунармандлар, савдогарларнинг номма-ном тўлиқ рўйхатлари ва касб корлари келтирилади[2]. Ушбу ҳужжатга кўра, бозорларда косиб-ҳунармандлар бир жамоага бирлашиб, уларга бир оқсоқол бошчилик қилгани ҳолда савдо фаолиятини олиб боришган. Масалан, Хива бозорида кигизфурушлар 6 кишини ташкил этиб, улардан 4 тилло олинди, унфурушлар 14 киши 12 тилло олинди Агачфурушлар, ипакчилар, чапарфурушлар нонбойлар, табақчилар, қинчи, пчакчи, тамакифурушлар, баққоллар, сартарошлар, мисгарлар, этукчилар, қўнчилар, тузчилар, қассоблар, кавушдўзлар, сабунчилар ва бошқалар қайдлари[3]учрайди. Юқоридаги касб номларининг Хива хонлигига хос диалектда қўлланилганлиги ва урф анъана сифатида хунармандларнинг касбларига кўра бирлашганлигини кўрамиз.Бунинг далили сифати солиқ нозирлари уларнинг ҳар биридан тўлов олмасдан, уларнинг оқсоқоли бир жамоа учун солиқ тўлаган. Ҳужжат ушбу хунарманд-савдогарлардан жами уч юз саксон саккиз тилло тагижой солиғи олинди, деб якунланган. Ушбу ҳужжат

матнидан тагижой солиғи хонлик бозорлари расталарда савдо қилганликлари учун солиқ тўланганлигини, одатда бундай солиқ хонлик амалдорлари эмас, оқсоқоллар томонидан йиғиб берилганлигини, Хива бозорлардаги қандай ҳунармандларнинг фаолият юритганлиги бизга маълум бўлади. Улардан олинган тагижой миқдорига келсак, сотувчиларнинг сони ва уларнинг тўловлари турлича бўлиб, касбига ва тижорат молининг нархига эътибор қаратилган. Мазкур ҳужжатда шарқ ҳалқларига хос бўлган ихтисослашган бозорларнинг мавжуд эканлигига гувоҳ бўламиз. Ҳужжат матнида ғалла, ипак бозори, кунжут бозори, чигит бозори ва пилла бозорлари бўлган.

Хонликнинг кўчманчи чорвадор аҳоли билан боғлиқ солиқ дафтарларида солиқ қайдномаларидан ташқари, этнографик маълумотлар ҳам аксини топган. Ҳар йили бир марта нисобга етган чорваси бор бойлардан олинадиган солиқ тури закоти савойим олинган. Уни йиғишдан аввал жойларга бориб, чорва сони рўйхатга олинган. Чорва сони рўйхатга олинган ҳужжат саноқ деб номланган[4]. Саноқ ҳужжатининг тузилишига кўра ҳисобот берувчи сўз бошида аввал ўзининг номини келтиради, сўнгра мавзе номи, чорвадорлар жамоаси номи, мавзедаги чорвадорлар, уларнинг чўпонлари ва қўй сонини ёзган. Ўрганилагн ҳужжат матнида солиқ тўловчилар одатда ўруғ номлари билан ва яшаш манзилларига кўра ажратилган. П.П. Иванов томонидан ўрганилаган ҳужжат матнида, “Қўнғиротар ва қорақалпоқлар” сарлаҳали ҳужжатда, “Қабил бекларбеги, қаз аяқли, иргакли, баймоқли, туёқли, қолдовли, ачамайли, қўштамғали, кендекли, митенлар,қиёт, айтеке, черувчи қитай, аралбай қитай, беш сари қитай, қайчили қитай, екишех қитай, қуюн, қанғли, қипчоқ, манғит,кенагас, тўртқара” сингари уруғ номлари келтирилади. Мазкур ҳужжат матнида Хива хонлари томонидан ҳарбий хизматлари эвазига берилган ер-мулкнинг ўзига хос шакли бўлган отлиқ ер эгалиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Юқорида номлари келтирилган уруғлар, шундай ерларга эгалик қилган. Асли ҳаёт тарзи кўчманчилик бўлсада, ўрганилаётган давр мобайнида уларнинг ўтроқлашуви ва хўжалик ҳаётида деҳқончиликнинг роли ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин[5].

Ариза туркумига кирувчи ҳужжатлар тарихий дипломатиканинг иш бошқарув ҳужжатлари турига киради. Аризалар арзи, арзаи, арза дошт каби сўзлар билан бошланиб, улар ҳам вазифасига кўра турлича бўлган. Аризалар бирор нарсани юқори бошқарув органларидан илтимос қилиш, хабар ёки маълумот бериш ёки ҳисобот бериш мақсадида бўлиши мумкин. Ариза матнида титуллар, эпитет, унвонларнинг қўлланилиши тадқиқ этаётган

мавзумиз доирасида сўнгги ўрта асрлар даври анъанавий бошқарув ва маҳаллий аҳолининг иштироки масалалрига ойдинлик киритишда муҳим аҳамият касб этади.

Аризаларнинг юқори қисмида Ҳува Алҳаййу (У тирикдир), Ҳува Алфаййоз (У тўлдириб бергувчи) каби яратганнинг турли исмлари ёзилган [6]. Аризаларнинг ўнг ёнидан 45 градусга қиялатиб амирга нисбат берувчи Ҳазрат Қамаркоби (ой каби), Зилли Аллоҳи (Аллоҳнинг сояси), Сохибам (хўжайиним), Мавлойам (жанобим, хомийим), саллама Аллоҳу Таъоло (Аллоҳу таъолонинг саломи бўлсин) каби сифатлар билан улуғлаб ёзилган. Сўнгра Ҳува Алҳаййу сўзига параллел равишда остидан Бисми Аллоҳу хойру Аласмаи (Аллоҳнинг ва унинг гўзал исмлари билан (бошлайман – А.И)) деб ёзилган. Шундан кейин ариза қисми бошланган. Аризанинг бош қисмида «Арза дошт ийн камтарийн ғуломи дуъогўйи, ризожўйи, зарра ва фуруътарийни хизматкорон, жонсипори, фармонбардор» (ариза берди бу камтарин, дуогўй, фармонбардор, яхшилик истовчи, хизматчиларингизнинг кичиги ва ўзини қуйи тутувчиси, ўзини қурбон қилувчи) каби сўзлар билан ариза берувчи ўзини амир ёки қушбеги олдида камтарин кўрилган сўзлар билан кириш қилган[7]. Сўнгра мурожаат қилинаётган шахс амир ёки қушбегининг шаръий ва тахт қонунийлигига далолат қилувчи титуллари билан мақтаган ҳолда, ушбу давлатда яшаб, хизмат қилаётганидан розилигини билдирган. Аризаларда амир титулларининг бир нечтаси ариза берувчи томонидан бирма-бир ёзилган ҳолда мурожаат қилинаётган шахсга қаратилган. Амирнинг шаръий титуллари баъзи ҳужжатларда амир алмуъминийн (мўъминлар амири), бошқаларида имом алмуслимийн (мусулмонлар имоми), зилли Аллоҳу Таъоло фи аларзайн (Аллоҳу Таъолонинг ердаги сояси), қутбу аддуня ва аддийн (дин ва дунё қутби), умдат ассалотийн (ибодат устуни), кудрату ал ҳавоқийн (нуфузлилар пешвоси), мавлои мулуки алъоламийн (Яратганнинг мулклари хизматкори), молики ъақоби умам (умматларнинг подшоҳи), боъис аламн ва аламон (тинчлик ва хотиржамлик келтирувчи), ношир аладл ва алиҳсон (яхшилик ва адолат ёювчи) каби келтирилган[8] бўлса, баъзи ҳужжатларда кайвон рафоъат (Зуҳал (Сатурн) мартабали), Муштарий шарофат (Муштарий (Марс) шарафли), нодир аласр ва аддаврон (Аср ва даврнинг нодир шахси), ҳомийи билоди аҳли алаъён (мамлакат аҳли ва аёнларининг ҳомийи), халифату Аллоҳ аъла алоламийн (Аллоҳнинг бутун оламдаги ўринбосари) каби номлари ҳам қўшиб ёзилган. Бундан ташқари, амирни унинг тахтининг қонунийлигига далолат қилувчи мақтовлар билан ҳам улуғлаганлар.

Иш юритиш ҳужжатлари бўлган солиқ дафтарларида хонлик сарой ҳаёти ва харожатларини ёритиш жараёнида кўплаб этнологик маълумотлар уучрайди. Ўрганилган Хива хонлиги архив ҳужжатларида Солғут солиғи ва унинг сарфланиши балан боғлиқ дафтарда ХИХ аср охири ва ХХ аср бошларига доир миллий либослари тўғрисида маълумотлар мавжуд. Жумладан, 1872 йилда Хмвада Саид Мухаммад Раҳимхоннинг буйруғи билан 76 ҳужрали мадраса қуриб битказиалди. Мадраса ихтиёрига 2941 таноб ер вақф қилиб берилади. Мадраса қуриб битказилгандан сўнг, унинг очилиш маросими ўтказилади. Архив ҳужжатларида ушбу маросим ва у билан боғлиқ урф-одатлар сақланиб қолган. Ушбу ҳужжат матнига кўра, "Хон хазратлари томонидан, пули уттиз юз олтмиш тилло бўлғон олтмиш олти тўп латта, икки минг уч юз етмиш саккиз арчиндан уч юз саккиз сарупой тиктирулди. Минг беш юз ўттиз арчин каро махмал, ўн беш қўра биёр, йигирма саккиз тўп чит, фаравуз учун ўн икки тўп чит, жияхлик ипак, икки кимхоб сарупой, бир асл чакмон, ...юз ўн саккиз тилло сочилди. Юқорида ўрганилган ҳужжат мантидан англашимиз мумкинки, хукмрон сулола томонидан амалга оширилган мадраса фаолияти қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, азалий анъаналарга содиқ ҳолда очилиш маросимида ҳалққа хадъялар улашади. Мадраса мударрислари ва толиби илмларга ҳам сарполар тақдим этилади[9].

Шунга ўхшаш яна бир воқеа Хива хонлиги магистрал канали бўлмиш Қилич Ниёзбий каналининг очилиш маросимида Хукмдор шаҳсан қатнашади ва хадъялар улашади.

Солиқ реестрларидан ўрин олган "Рўза иъди ҳарожотлари" сарлавҳали ҳужжатда Қўнғиротлар даври удумлари ва миллий кийимлари тўғрисида маълумотлар учрайди. Хусусан, Рўза ийди муносабати билан бўлган зиёфатда ҳукмдор томонидан берилган хайитликлар мисолида ўрганилаётган давр либослари тасвирини кўришимиз мумкин. "Рўза иъдига юборилган нимарсалар, бир мовут, чакмон, Отажон тўрамизга мовут чакмон, тўрт бухори шоҳи тўн, Саййид Хомид тўра, Давлатёр тўра ва Оллоёр тўраға Уч чакмон билан уч тўн, яна тўраларга етти латта чакмон, тўн, Қўқандли тўраға бир тўн, Гўкландин келгон урислом эшонга бир атлас чакмон берилди. "Аркка олтундан бир жуфт тўқмоқли билазик(билакюзук)юборилди"[10]

Элчиларни кутиб олиш маросимида сарфланган харажатлар тўғрисида "...Бухородан келган элчи Ибодулло ҳўжаға тўн...", "Отаниёз ўрусга бир пичоқ била бир атлас тўн берилди" қабилидаги жумлаларни учратиш мумкин. Ушбу тарихий ҳужжат матнида келган далиллар Хива хонлигининг

қўшни давлатлар билан дўстона муносабати балан бир қаторда, уларга миллий либосларимиздан хадъя этилганлиги гувохи бўламиз.

Худди шундай Қушбеги архиви иш юритиш ҳужжатларида вилоят, туман, амлок, мавзе, қишлоқлар ва маъмурий бирликларнинг 10 мингдан ортиқ номлари киритилган. Бундан ташқари, баъзи ҳолларда рўйхатларда нафақат географик номлар, балки аҳолининг таркиби, уларга тегишли чорва моллари сони, алоҳида амирлик вилоятларида яшовчи турли қабилалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилган. Ушбу барча маълумотлар Ўзбекистон Республикаси, шунингдек, баъзи бирлари Бухоро амирлиги таркибига кирган Тожикистон ва Туркманистон тарихи бўйича қимматли материалларни тақдим этади.

Юқорида кўриб чиқилган ҳужжатлар асосида мусулмон байрамлари ва жумаъ кунлари ва бошқа маросимларда ҳукмдор томонидан совғалар бериш анъанаси бўлган. Бундай тантаналарда фақат сарой аҳли эмас, балки хонликнинг аҳолисига ҳам нарсалар тарқатилаган. Сарай харажатлари ёзилаган қайдномаларда эса, ўрганилаётган давр эркаклар миллий либослари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Элчиларни кузатиш маросимида ҳам уларга шундай миллий тўнлар ва олтин ханжар хадъя қилинади. Қизиқарли тономи саройга юборилган буюмлар орасида аёллар миллий тақинчоғи билакюзукнинг юборилиши ҳақидаги қайдлар ҳам бир мунча бўлсада, Хива хонлиги аёллар миллий кийимлар тўғрисидаги тасаввурни ҳосил қилишга ёрдам беради. Биз томонимиздан Хива хонлиги мисолида ўрганилаган архив иш юритиш ҳужжатларида Хива бозорларидани ҳунармандчилик турлари, косибларнинг бирлашмалари, ихтисослашган бозорлар тўғрисида маълумотлар ўрганилиб чиқилди. Солиқ қайдномаларида учрайдиган ўтроқ аҳоли ва кўчманчи аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатлар, кўчманчи қабилаларнинг уруғ номлари ва ғеографик топологияси тадқиқ этилди.

Хулоса

Архивларда сақланаётган иш юритиш ҳужжатлар тадқиқи ҳудудлари тарихан эгаллаган майдонларида йирик этнослардан ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва бошқа этник мансубликка эга бўлган аҳоли диаспорасининг жойлашув манзараси, ўзаро этно-ижтимоий, маданий алоқалари, иқтисодий муносабатлар ва шу каби бошқа масалаларни ўрганиш имконини бериши билан аҳамиятлидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Исмоилов М. Хужжатшунослик ва Марказий Осиё дипломатикаси.-Т., 2010, Б.30

2. ЎзМА, И.125-фонд, 2-рўйхат, 422 -йиғма жилд, 4-варақ

3. ЎзМА, И.125-фонд ,2-рўйхат, 422- йиғма жилд, 1-варақ

4. ЎзМА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 652-иш, варақлар сони 75 та

5. Иванов П.П. Архив хивинских ханов в ХИХ в. Иследование и описание документов с историческим введением. Л. 1940.С. 36

6. ЎзМА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 587-иш, 11-варақ

7. ЎзМА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 590-иш, 4-варақ

8. ЎзМА, И.126-фонд, 1-рўйхат, 763-иш, 1-варақ

9. ЎзМА, И.125-фонд, 2-рўйхат, 486-иш, 1-варақ

10. Йўлдошев М.М. Хива давлат ҳужжатлари.-Т., 1960. Б.271-272